

АМИНОВ Ҳамидуллоҳ Абдирахимович
Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси
Шарқшунослик институти докторанти,
тарих фанлари номзоди
hberuniy@mail.ru

УБАЙДУЛЛОҲХОНГА БАҒИШЛАБ ЁЗИЛГАН ФИҚҲИЙ АСАРЛАР

ТРУДЫ ПО ИСЛАМСКОМУ ПРАВУ (ФИҚХ), ПОСВЯЩЕННЫЕ УБАЙДУЛЛАХАНУ

WORKS ON ISLAMIC LAW (FIQH) DEDICATED TO UBAIDULLAHAN

Аннотация: Ушбу мақолада шайбонийлар сулоласининг таниқли султони, 1533-1540 йилларда ҳукмронлик қилган Убайдуллоҳхонга атаб ёзилган фиқҳий асарлар ҳақида сўз юритилган. Мазкур асарларнинг муаллифлари, қўлғамалари, ўз давридаги аҳамияти тўғрисида маълумотлар келтирилган. Убайдуллоҳхон ҳукмдор бўлиши билан бирга исломий илмларга моҳир, мутасаввиф, тасаввуфга оид шеърлар шоири, бир неча асарлар битган олим, хусусан ўзи ҳам фиқҳий асарлар ёзган бўлиб, мақолада айнан унга бағишлаб ёзилган фиқҳий асарлар тўғрисида сўз юритилган. Мақолада келтирилган янги илмий маълумотлар ёрдамида Убайдуллоҳхоннинг илмий савияси, диний ва исломий дунёқараши, олимларга эътибори, олимларнинг ҳам унга муносабати ҳам ўрганилади.

Калим сўзлар: шарҳ, мазҳаб, ҳанафий, фатво, фиқҳ, муфтий, қўлғам, манба, Убайдуллоҳхон, шайбоний.

Аннотация. В данной статье рассказывается о сочинениях по правоведению, посвященных Убайдулла-хану, известному султану династии Шайбани, правившему в 1533-1540 гг. Приведены сведения об авторах, рукописях и значении этих произведений в свое время. Наряду с тем, что он был правителем, Убайдулла-хан был знатным исламских наук, мистиком, поэтом суфийских стихов, ученым, завершившим несколько работ, в частности, он сам написал правовые труды, и в статье речь идет о правовых трудах, посвященных ему. С помощью новых научных данных, представленных в статье, исследуется научный уровень Убайдулла-хана, религиозно-исламское мировоззрение, внимание к ученым, отношение ученых к нему.

Ключевые слова: комментарий, мазҳаб, ханафиты, фетва, фикх, муфтий, рукопись, источник, Убайдулла-хан, Шайбани.

Annotation. This article describes the writings on jurisprudence dedicated to Ubaidulla Khan, the famous sultan of the Shaibani dynasty, who ruled in 1533-1540. Information about the authors, manuscripts and the significance of these works in their time is given. Along with the fact that he was a ruler, Ubaydullah Khan was an expert in Islamic sciences, a mystic, a poet of Sufi poetry, a scientist who completed several works, in particular, he wrote legal works himself, and the article deals with legal works dedicated to him. With the help of new scientific data presented in the article, the scientific level of Ubaydullah Khan, the religious and Islamic worldview, attention to scientists, and the attitude of scientists towards him are investigated.

Keywords: commentary, madhhab, hanafis, fatwa, fiqh, mufti, manuscript, source, Ubaydullah Khan, Shaybani.

КИРИШ

Шайбонийлар сулоласининг кўзга кўринган вакили Убайдуллоҳ ибн Маҳмуд Шайбоний (892-946 х./1487-1540 м.) мелодий 1533-1540 йилларда бутун Мовароуннаҳрни бошқарган ҳукмдор саналади. Убайдуллоҳхон ўқимишли, диний илмларни чуқур билган, тасаввуфий билимларга эга, ирфоний ашъорлар битган, ўз даврининг олимларидан ҳам саналадиган, илм аҳлига ҳомий, маърифатпарвар султонлардан бири бўлган.

Убайдуллоҳхоннинг назмий асарларининг куллийети 8931 тартиб рақами билан Ўзбекистон Республикаси, Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлғамлар фондида сақланади.

Адабиётларда “Убайдуллоҳхоннинг кироат, тафсир ёки диннинг бошқа масалаларига бағишланган рисоалари ҳам бўлиб, ҳозиргача топилгани йўқ”, дейилган бўлса-да [16:7], лекин бундай асарларининг қўлғамлари давримизгача етиб келгани маълум. Жумладан, Убайдуллоҳхон калом илмига ҳам аҳамият берган бўлиб, унинг ўзи бу борада ҳам “Тухфайи Убайдуллоҳхон фи-л-калом” номли рисола битган ва унинг бир қўлғам нусхаси ЎЗРФА ШИ қўлғамлар фондида сақланади [17]. Қироат илмида эса бир асар битган бўлиб, у “ҳофизларни хато қилишларидан сақлаб туради” [19:30]. Мазкур асарнинг бир нусхаси

турк тадқиқотчи олими Ahmed Ateş нинг шахсий кутубхонасида мавжуд бўлиб, у ҳақида битта мақоласида маълумот бериб ўтган ва асар номини “Таржимаи қавоиди ал-Қуръон ва фавоидал-Фурқон”, деб келтиради [24:127-147]. Уни ўзбек олимлари “ат-Тажвид” рисоласи деб тилга олишган [15:5]. Яна бир турк тадқиқотчиси Talip Yildirim эса Убайдуллоҳхоннинг “Рисола фи ҳаққи масоили вузуъ” деган фикҳга оид рисоласини илмий муомалага киритган [26:127-164]. “Музаққири аҳбоб”да айтилишича, Убайдуллоҳхон мадрасаларда доим ўқитиб келинган “Номи Ҳақ”ни туркий тилига таржима қилган [19:30]. Бу “Шарҳи Муқаддимат ас-солат” ҳамда “Рисола фи ҳаққи масоили вузуъ” деб аталаётган асарнинг айнаи ўзидир.

Шунингдек, Убайдуллоҳхон Қуръони каримга ҳам тафсир ёзган бўлиб, “ал-Фавоид ал-хоқония ал-убайдия” деб аталган. Ушбу асар номи машҳур био-библиографик манбалар бўлмиш “Кашф аз-зунун” ҳамда “Ҳадият ал-орифин”да ҳам тилга олинган [20:1297; 11:650].

Убайдуллоҳхон ўзи ҳам ижод қилиши билан бирга, ижод аҳлига ҳомий сифатида ҳам намоён бўлади. Унинг қарийб етти йиллик ҳукмдорлик йилида юзага келган бир қанча асарлар унга бағишлаб ёзилган эди. У расман султонлик қилган йилларидан олдин ҳам илм аҳлининг ҳомийси бўлган. Шунинг учун ҳам, унинг ҳукмдорлик йилларидан илгари ёзилган асарлар муқаддималарида унинг номи ҳурмат билан тилга олинганини кўришимиз мумкин. Биз қуйида айнан унинг номи тилга олинган ва китоб унга бағишланганини билдирувчи маълумотларга эга асарлар тўғрисида маълумот бермоқчимиз. Бу маълумотлар Убайдуллоҳхоннинг илмий савиясини, диний ва исломий дунёқарабини, олимларга эътибори ва олимларнинг ҳам унга муносабатини кўрсатувчи далилларга эга.

АСОСИЙ ҚИСМ

“Сулук ал-мулук” – Убайдуллоҳхонга бағишланган асарлардан бўлиб, 918-920 х./1512-1514 м. йилларда Фазлуллоҳ ибн Рўзбеҳон ал-Исфажоний (860-928 х./1456-1521 м.) томонидан ёзилган [27:112].

Асарнинг муқаддима қисмида: “Ушбу “Сулук ал-мулук” китобининг ёзилишига даъват қилувчининг зикри” деган махсус бўлим

мавжуд [18:5]. Унда асарнинг ёзилиш сабаблари ва буни тақлиф этган Убайдуллоҳхон мақталган ҳолатда зикр қилинган.

“Сулук ал-мулук” муқаддима, 15 та боб ва хотимадан иборат. Асар ўз навбатида жами 84 та фаслдан таркиб топган бўлиб, ўзбек давлатчилиги ва давлат бошқаруви назариясига бағишланган. Муаллиф фикҳдаги ҳанафийлик ва шофеъийлик мазҳабига кўра давлат бошқаруви асосларини таҳлил қилган.

“Жомеъ ар-румуз” – Убайдуллоҳхонга бағишланган асарлардан бўлиб, 941 йил 8 зулҳижжа (1535 йил 9 июнь) да Мавлоно Шамсиддин Муҳаммад ибн Ҳусомиддин ал-Ҳанафий ал-Бухорий ал-Хуросоний ал-Қўҳистоний (888-962 х./1483-1555 м.) томонидан битилган [3:127-134].

Шамсиддин Муҳаммад Қўҳистоний Убайдуллоҳхон даврида бутун Мовароуннаҳрнинг бош муфтийси сифатида фаолият олиб борган. У Убайдуллоҳхон тақлифи билан Бухорога 918/1512 йилнинг муҳаррам ойи охирида (сулҳи муҳаррам) етиб келган [9:19-20].

“Жомеъ ар-румуз” Убайдуллоҳ ибн Тож аш-шариъа ал-Бухорий (ваф. 747/1346) қаламига мансуб, ҳанафийлик фикҳидаги таниқли манбалардан бири “Мухтасар ал-Викоя” га ёзилган араб тилидаги шарҳдир. У тўрт жуздан иборат бўлиб, унда “Мухтасар ал-Викоя”даги ҳар бир рамз ва ишораларга муфассал тўхталиб, изоҳланган.

Бухоролик олим Қозизода Шариф маҳдум ибн Абдулраҳим ал-Бухорий (XIX аср) “Жомеъ ар-румуз” нашрига ёзган сўзбошисида Ҳусайн Байқаро вафотидан кейин шиалар ҳужуми ва уларнинг зулми кучайиши сабабли Шамсиддин Муҳаммад Қўҳистонийни ўз зовияси – хонақосига яшириниб, тоат-ибодатга машғул бўлганини, Убайдуллоҳхон давригача “Жомеъ ар-румуз”ни ёзганини, Убайдуллоҳхон Ҳиротни фатҳ қилганида унинг истиқболига пешвоз чиққанини, хон унинг иззат-ҳурматини жойига қўйиб, Бухорога жўнатганини, Бухорода эса “Жомеъ ар-румуз”ни тамомлаб, хонга бағишлаганини алоҳида қайд қилиб ўтган [13:13-14]. Бу ҳақда муаллиф асарнинг муқаддимасида ҳам айтиб ўтган. Унда айтилишича, шиалар ҳужуми вақтида муаллиф узлатга чекинган ва “Жомеъ ар-румуз”нинг қораламасини ёзиб

тугатган ва уни ташлаб қўйган. Уни оққа кўчириш вақти эса Убайдуллоҳхон даврига тўғри келган ва унга бағишланган [21:4-5].

“Жомеъ ар-румуз”да Убайдуллоҳхон номи мактовлар билан зикр қилинади [21:3].

“Табйини дори ҳарб ва дори ислом” – Мавлоно Шамсиддин Муҳаммад ибн Ҳусомиддин ал-Ҳанафий ал-Бухорий ал-Хуросоний ал-Қўхистоний (888-962 ҳ./1483-1555 м.) томонидан битилган [5:369-376]. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг Асосий қўлёзмалар фондида Шамсиддин Муҳаммад ал-Қўхистонийнинг «Табйин дор ал-ҳарб ва дор ал-ислом» асарининг 3 та қўлёзма нусхаси мавжуд [22]. Асарнинг қўлёзма нусхаларининг колофон қисмида: “Ушбу муборак рисола раббоний олим Мавлоно Шамсиддин Муҳаммад Қўхистоний томонидан соҳибқирон подшоҳ Убайдуллоҳхон Баҳодирхон талаби билан Ҳирот дори ҳарбми ёки йўқми деган сўровига жавобан ёзилган”, деган маънодаги қайдлар мавжуд [23:293b]. “Табйини дори ҳарб ва дори ислом” рисоласида ислом фикҳидаги “дори ҳарб” ва “дори ислом” тушунчалари ифдолаб берилган ва шиалар зулмига қарши курашмоқ лозимлиги кўрсатилган.

Эронда шиалик давлат дини деб эълон қилингандан сўнг Мовароуннахрнинг сунний мусулмонлари улар билан курашиши, уларни кул қилишнинг ғоявий сабаби ишлаб чиқилган. Сунний уламолари, айниқса, шиалардан зулм-ситам кўрган Шамсиддин Муҳаммад Қўхистоний сингари олимлар томонидан шиаларни кофир деган маънодаги фатволар, уларнинг давлатини эса “дор ал-куфр” деган фатволар берилган эди. Бу хилдаги фатволар Мовароуннахр сунний ҳукмдорларининг Эронга юришлари учун асос бўлиб хизмат қилган. Жумладан, Аллоҳқули Баҳодирхон (ҳукмронлик даври 1825-1842) даврида Исматуллоҳ ибн Ҳабибуллоҳ Хоразмий (XIX аср) деган олим томонидан ҳам “Рисолаи дар исботи куфри тавоифи шиа” номли рисола битилган [10].

“Фатовойи Алийя” – фикҳий фатволар тўплами бўлиб, Убайдуллоҳхонга бағишланган асарлардан ҳисобланади. Муаллифи Али ибн Муҳаммад Али ибн Али ибн Маҳмуд ал-

Мухторий ал-Кубровий ал-Хоразмий (XVI аср) бўлиб, Шайбонийхон (ҳукмронлик даври 1500-1510)га бағишланган “Фатовойи Шайбоний” асарини муаллиф қайта ишлаб, Убайдуллоҳхонга атаб ёзган [4:26-29; 25:28-29].

“Фатовойи Алийя” муқаддимасида муаллиф Убайдуллоҳхонни мадҳ қилар экан, кўпроқ унинг адолатли экани, бошқарувчанлик сиёсатининг мукамаллиги, жангу жадалларда маҳоратли саркарда эканига, шунингдек, тахтга қонуний мерос йўли билан келганига кўпроқ урғу берган [2:125b].

“Ҳошият ал-Викоя ар-ривоя” – Асомиддин Иброҳим ибн Муҳаммад ибн Арабшоҳ ал-Исфарионий (873-945 ҳ./1468-1538 м.) томонидан битилган шарҳ бўлиб, уни Убайдуллоҳхоннинг илтимоси билан ёзган ва “Кашф аз-зунун”да айтилишича, 934 ҳ./1527 м. йили ёзиб тугатилган [20:2022].

Ҳанафий мазҳаби фикҳига оид энг машҳур асарлардан бири “Викоя ар-ривоя фи масоил ал-Ҳидоя” бўлиб, муаллифи Бурҳон аш-шариат Маҳмуд ибн Садр аш-шариат ал-аввал ва-л-акбар Шамсиддин Аҳмад ибн Абу Ҳанифаи соний Убайдуллоҳ ибн Иброҳим ал-Маҳбубий ал-Ҳанафий (ваф. 673 ҳ./1274 м.) ҳисобланади. У аслида Бурҳониддин ал-Марғиноний (511-593 ҳ./1118-1197 м.) томонидан битилган машҳур “ал-Ҳидоя” асари асосида яратилган мухтасар матн китоби бўлиб, унга жуда кўплаш шарҳ ва ҳошиялар битилган.

“Ҳошият ал-Викоя ар-ривоя”нинг муқаддимасида муаллиф Убайдуллоҳхоннинг номини тилга олиб ўтган [6:1b-2a].

“Шарҳ Манор ал-анвор” – машҳур мунажжим олим Абдулалӣ ибн Муҳаммад ибн Ҳусайн ал-Биржандий (ваф. 934 ҳ./1528 м.) томонидан битилган шарҳ Убайдуллоҳхонга бағишланган [20:1826]. Мазкур асар матни усул ал-фикҳга оид бўлиб, машҳур ханафий фақиҳи Ҳофизиддин Абулбаракот ан-Насафий (ваф. 710 ҳ./1310 м.) томонидан ёзилган. Абдулалӣ Биржандий мазкур шарҳини Истанбулга кетишидан илгари, 932 ҳ./1526 йилдан олдин ёзган, десак тўғрироқ бўлади.

“Шарҳ Мухтасар ал-Викоя” – Салоҳиддин ибн Бадриддин ал-Хазравоний ал-Ҳаравий (XVI аср) асари. Форс тилида битилган мазкур асар “Шарҳи форсийи Мухтасари Викоя” номи билан Абдурахмон Жомий (817-898 ҳ./1414-1492 м.)

га нисбат қилиниб, Муҳаммад Эҳсонуллоҳ Фарангимахаллий ноширлигида Ҳиндистонда 1885 йили Лакнаунинг машҳур “Навал Кишур” матбаасида 4 жузи 2 жилд қилиниб чоп этилган. Асар Абдурахмон Жомийга тегишли эмаслиги ўз-ўзидан маълум. Ноширни чалғитган нарсасарнинг кириш қисмида Шайхулислом Аҳмади Жомий (440-536 ҳ./1048-1142 м.) томонидан 522 ҳ./1128 м. йили ёзилган “Мифтоҳ ан-нажот” номли асаридан иқтибос келтирилгани бўлса керак [7:10-11]. Зотан, Абдурахмон Жомийнинг ҳаёти ва ижодида “Мухтасар ал-Викоя”га шарҳ ёзгани маълум эмас. Шу билан бирга, асар муқаддимасида Убайдуллоҳхон номи “Подшоҳи динпаноҳ Абулғози Убайдуллоҳхон” деб тилга олинган [1:3]. Абдурахмон Жомий Убайдуллоҳхон даврига яшамаган. Қўлёзмалар солиштириб кўрилганда, у Салоҳиддин ибн Бадриддин ал-Ҳаравийнинг асари бўлиб чиқди.

Салоҳиддин ибн Бадриддин ал-Ҳаравийнинг “Шарҳ Мухтасар ал-Викоя” асари Мовароуннаҳрда ҳам шуҳрат қозонган бўлиб, қўлёзмалари жуда кўплаб учрайди. Унинг муаллиф дастхати билан ёзилган автограф нусхаси ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фондида 10669 тартиб рақами билан сақланади. Асарнинг охириги варағида шориҳ ўз номини Муҳаммад Салоҳ ибн Бадриддин Муҳаммад ал-Хазравоний тарзида келтирган ва асарни 937 ҳ. йили 11 сафар сешанба куни тугатганини қайд қилган [14:178а]. Бу мелодий 1530 йил 4 октябрга тўғри келади. Айнан 18 сафарда Убайдуллоҳхон Ҳиротни эгаллаб ўзини Хуросон мулки хони деб эълон қилдирган эди.

“Шарҳ Мухтасар ал-Викоя” – Жалолиддин Маҳмуд ибн Абу Бакр Самарқандий (XVI асари) асари бўлиб, муқаддимада Бурҳониддин Марғиноний авлодидан эканини (аз аҳқари аҳфоди Мавлоноий марҳум ал-мағфур ал-мустариҳ фи живори Малик ал-Алломи, Шайхулислом Бурҳониддин ал-машҳур басоҳиби “ал-Ҳидоя”) айтиб ўтган [8:7]. Шарҳ Убайдуллоҳхонга бағишланган. Унинг номи келтирилишидан олдин унга тавсиф ва таъриф берилган, уни илми, такводор, адолатпарвар, шижоатли, гўзал хулқли, етук шоир, фасоҳатли адиб ҳукмдор экани айтиб ўтилган [8:8].

Форс тилида битилган мазкур шарҳ халқ тилида “Гўримирий” номи билан шуҳрат

қозонган. Унинг муаллифи Самарқанддаги темурийларга оид Гўримирий макбараси жойлашган маҳаллада яшаган.

“Мухтасар ал-Викоя” китоби олий мадрасаларда фикҳ фанидан асосий дарслик бўлгани боис мазкур марҳ матнининг қўлёзмалари ва тошбосма нашрлари жуда кўп учрайди. Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Истанбул, Қоҳира, Лакнау ва Деҳли шаҳарларидаги тошбосмаларда қайта-қайта чоп қилинган. Лекин, афсуски, муаллифнинг ҳаёти ва ижоди ҳамда унинг ушбу асари шу пайтгача илмий тадқиқ қилинган эмас.

ХУЛОСА

Айрим олим ва муаллифлар ўз асарларини Убайдуллоҳхонга бағишлаганини алоҳида қайд қилмаган ҳамда унинг номини тилга олмасида, маъно-мазмунидан унга атаб ёзилгани кўриниб турганлари ҳам мавжуддир. Масалан, Қози Маҳмуд Азизон (XVI аср) деган олим Убайдуллоҳхонга устоз бўлгани манбаларда зикр қилинган. Унинг “Сездаҳ ганж” деб аталган фикҳий асари ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фондида 2574/IV рақами билан сақланади [12]. Лекин, унда Убайдуллоҳхоннинг номи учрамайди. Қози Хожа Азизоннинг жияни Амир Абулмаолий ибн Хожа Мавлоно ал-Бухорий томонидан ёзилган “Ҳасаб ал-муфтин” номли йирик фикҳий китоб маълумотлари Убайдуллоҳхон даврида тўплангани, тартибга келтирилганидан кейин эса уни Пирмуҳаммадхонга бағишлангани асар муқаддимасида айтиб ўтилганини ҳам мисол келтиришимиз ўринли бўлади. Мазкур асар ЎзР ФА ШИ да 12211 тартиб рақами билан сақланади, қўлёзма катта ҳажмда 376 варақдан иборат.

Убайдуллоҳхон ўзи бир неча илмий ва бадиий асарлар битган, шунингдек, ҳикматлар ва лирик девонларга эга бўлиб, Мовароуннаҳр ҳукмдорлари орасида бу борада унга тенг келадиганини топиш қийин. Шу билан бирга, унинг мамлакатада яшаётган олим ва адибларнинг унга бағишлаб ёзилган асарлари бўйича ҳам юксак ўринда туради. Унга атаб ёзилган асарлардан унинг нечоғли даражада илми бўлганини, унинг илмий салоҳияти ва дунёқараши илм-фаннинг кўпроқ қайси соҳалари ва мавзуларига мойил эканини билиш мумкин.

ФОЙДАЛАНГАН МАНБА ВА
АДАБИЁТЛАР

1. Абдурахмон Жомий. Шарҳи форсии Мухтасари Вико. 1-2-жуз. – Дехли: Наволкишвар, 1885.
2. Али ибн Муҳаммад Али ал-Хоразмий. Фатовойи Алийя. ЎзР ФА ШИ қўлғзмаси, № 4833/IV.
3. Аминов Ҳ. “Жоме ар-румуз” ханафийлик фикҳидаги эътиборсиз манбами? // “Sharqshunoslik” журнали, ЎзР ФА ШИ. – № 16. – Тошкент, 2013.
4. Аминов Ҳ. Али ибн Муҳаммад Али ал-Хоразмий ҳаёти ва ижоди хусусида илк маълумотлар // “Марказий Осиё халқлари тарихи манбашунослиги ва тарихнавислиги масалалари” Республика IV илмий-назарий конференциясининг материаллари. – Тошкент: “Тошкент давлат шарқшунослик институти”, 2012.
5. Аминов Ҳ. Шамсиддин Муҳаммад Кўхистонийнинг илмий мероси // “Ўзбекистонда ислом маданияти, тарихи ва санъатини ўрганишнинг янги истиқболлари” мавзuida академик Убайдулла Каримов хотирасига бағишланган 2021 йил май ойида Тошкентда бўлиб ўтган халқаро конференция мақолалар тўплами. – Истанбул: IRSICA, 2021.
6. Асомиддин Исфарионий. Ҳошия ғала Шарҳ ал-Викоя. ЎзР ФА ШИ қўлғзмаси, № 11457.
7. Аҳмади Жомий. Мифтоҳ ан-нажот. – Истанбул: Nakikat kitabevi, 2011.
8. Жалолиддин Маҳмуд Самарқандий. Шарҳи Мухтасари Вико. – Тошкент: Порцев, 1900.
9. Зайн ад-дин Васифи. Бадаи’ ал-вакаи’. Том I. / Критический текст, введение и указатели А.Н.Болдыпева. – Москва: Изд.восточной литературы, 1961.
10. Исматуллоҳ ибн Ҳабибуллоҳ Хоразмий. Рисола дар исботи куфри тавоифи шиа. ЎзР ФА ШИ қўлғзмалар фонди, № 7569/X.
11. Исмоил бошо Бағдодий. Ҳадият ал-орифин. 1-жилд. – Истанбул: Маариф матбааси, 1951.
12. Қози Азизон. Сездаҳ ганж. ЎзР ФА ШИ қўлғзмаси, № 2574/IV.
13. Қозизода Шариф маҳдум ибн Абдулрахим ал-Бухорий. “Жоме ар-румуз”га сўзбоши. “Жоме ар-румуз”нинг Қозон нашри, 1909.
14. Муҳаммад Салоҳ. Шарҳи Мухтасари Вико. ЎзР ФА ШИ қўлғзмаси, № 10669.
15. Ражабов Қ., Очилов Э. Убайдуллахон. – Тошкент: “Abu Matbuot-konsalt”, 2011.
16. Убайдий. Ҳикматлар. – Тошкент: Movarounnahr, 2020.
17. Убайдуллоҳхон Баҳодирхон. Тухфаи Убайдуллоҳхон фи-л-калом. ЎзР ФА ШИ қўлғзмаси, № 8221/III.
18. Фазлуллоҳ ибн Рўзбеҳон ал-Исфажоний. Сулук ал-мулук. – Ҳайдаробод: Дакан, 1966.
19. Ҳасанхожа Нисорий. Музаққири аҳбоб. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1993.
20. Ҳожи Халифа. Кашф аз-зунун. 2-жилд. – Истанбул: Маариф матбааси, 1941.
21. Шамсиддин Муҳаммад Кўхистоний. Жоме ар-румуз. I-жуз. – Қозон: Каримий, 1909.
22. Шамсиддин Муҳаммад Кўхистоний. Табйини дори харб ва дори ислом. ЎзР ФА ШИ қўлғзмалар фонди, № 9060. – В. 2906-2936; № 7569/XI – В. 1356-139а; № 11295/II. – В. 2176-219а.
23. Шамсиддин Муҳаммад Кўхистоний. Табйини дори харб ва дори ислом. ЎзР ФА ШИ қўлғзмалар фонди, № 9060.
24. Ahmed Ateş. Ubeydullah Han’ın Bilinmeyen Mensur Bir Eseri – Tarcama-i Kavā’id al-Ḥur’ān va favā’id al-Furqān // Türk Dili Araştırmaları Yıllığı, Belleten, 12. – Istanbul, 1965.
25. Aminov H. Ali Harizmi’nin Fevaid Eseri: Hukumdarlar için Dusturu’l-Amel // “Uluslararası Orta ve Batı Asya’da Yönetim Kültürü” Sempozyumu tesisleri. – Istanbul, 21-23 Ekim, 2015.
26. Talip Yıldırım. «Ubeydullah Han: Risâle-yi Fi- Hakk-ı Mesâil-i Vuzû» // Türklük Bilimi Araştırmaları. – Istanbul, 2003.
27. Ümit Gedik. Fazlullâh b. Rûzbihân-i Hunjî ve Mihmân-nâme-i Buhârâ’si üzerine bir digerlendirme // Ankara Üniversitesi Şarkiyat Mecmuası sayı 32 (2018-1).